

Илмни талаб қилишга қизиқтириш ва фикҳни бошқа илмлардан афзал кўриш ҳақида



19:00 / 25.10.2020 1289

12-боб

Фақиҳ Абу Лайс раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Инсон илм ўрганиши билганига қаноатланиб қолмаслиги керак. Чунки Аллоҳ таоло дейди:

«Айтинг: биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!» (Зумар сураси, 9-оят).

Илм аҳли бошқа инсонларга нисбатан афзалдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Олим ёки илм ўрганувчи бўлмаган кишида яхшилик йўқдир», деб айтганлар.

Абу Дардо розияллоҳу таоло анҳу айтадилар: «Нима бўлдики, олимларингизни ўлаётган, жоҳилларингизни илм ўрганмаётган ҳолда кўряпман. Уламоларнинг ўлими билан илм кўтарилишидан олдин таълим олинглар. Чунки бир қавмнинг кичкинаси бўлсангиз, шояд бошқа қавмнинг каттаси бўларсиз. Менга илмсиз шайхдан хунукроқ махлуқ йўқдир».

Шаъбий айтадилар: «Агар бир киши Шомнинг бу чеккасидан Яманнинг у четигача сафар қилиб, келажак умрида фойда келтирадиган бир дона калимани ёд олса, унинг сафари зое кетмади деб ўйлайман».

Энди билгилки, илм бир неча навдир, ҳаммаси Аллоҳ наздида чиройлироқдир, лекин фикҳга тенг эмасдир. Кишига фикҳни ўрганиш унга бошқа илмни ўрганишдан муҳимроқ бўлиши керак, чунки фикҳни билган кишига бошқа илмлар осонлашади. Фикҳ диннинг устунидир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу таоло анҳу ривоят қиладилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аллоҳнинг бандалари орасида динда фақиҳ бўлганидан кўра афзали йўқ». Яна айтадилар: «Битта фақиҳ шайтон учун мингта жоҳил обиддан ёмонроқдир».

Абу Ҳурайра розияллоҳу таоло анҳу айтадилар: «Бир соат ўтириб фикҳ ўрганишим Аллоҳга бир кеча фикҳсиз ибодат қилишимдан яхшироқдир».

Ибн Аббос розияллоҳу таоло анҳумо ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ кимга яхшилиқни хоҳласа, уни динда фақиҳ қилиб қўяди», дедилар».

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу таоло анҳу: «Раҳбар бўлишларингдан олдин фикҳни ўрганинглар».

Агар инсон фикҳдан насибасини тўла олса, унда қосирлик қилмаслиги ҳамда зуҳд ва ҳикмат илмида, охират каломида, солиҳларнинг шамоиллари ҳақида фикр қилиши лозим. Чунки инсон фикҳни ўрганса-ю, зуҳд ва ҳикмат илми ҳақида фикр қилмаса, қалби қаттиқлашади. Қаттиқ қалб Аллоҳ таолодан узоқдир. Агар нужум билан ҳикмат илмини таълим олса, қалби қаттиқлашади, қаттиқ қалб эса Аллоҳ таолодан узоқдир. Агар нужум ва ҳикмат илмидан ҳисоб-китобни биладиган миқдорда ўрганса, бунинг зарари ёъқдир. Агар қиблани билиш ва ҳисоб-китобга ёъл топа оладиган миқдорча ўрганса, ортиқчалик қилмайди. Аллоҳ таоло:

«**Ва** (у йўлларга) **белгилар** (қилиб қўйди. Кечаларда эса кишилар) **юлдузлар билан йўл топурақлар**» (*Наҳл сураси, 16-оят*), деб марҳамат қилади. Бошқа бир оятда эса:

«**У қуруқлик ва денгиз зулматларида йўл топишингиз учун сизларга юлдузларни яратиб қўйган зотдир. Биладиган қавм учун оятларни батафсил баён қилдик**» (*Анъом сураси, 97-оят*), деб айтади.

Умар ибн Хаттоб айтадилар: «Илми нужумдан қиблаларингни топадиган миқдорда ўрганинглар. Қариндошларинг билан алоқа қиладиган миқдорда насаб илмидан таълим олинглар».

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юлдузлар ҳақида мунозара қилишдан қайтарганлари ривоят этилган.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу Маймун ибн Михронга: «Нужум илмига эргашманглар, чунки сеҳр ва фолбинликка олиб боради», деганлар.

«Бўстонул Орифийн» китобидан